

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАНИЕВА МАЙСАРА ДЖАМАЛОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОТЛИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ
ДЕРИВАЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ВА МАТН ШАКЛЛАНТИРИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Даниева Майсара Джамаловна

Инглиз тилида отли сўз бирикмаларининг деривацион-функционал
ва матн шакллантириш хусусиятлари..... 3

Даниева Майсара Джамаловна

Функционально-деривационные и текстообразующие особенности
субстантивных словосочетаний в английском языке 21

Daniyeva Maysara Djamalovna

Derivational-functional and Text Forming Features of Substantive
Phrases in English 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАНИЕВА МАЙСАРА ДЖАМАЛОВНА

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ОТЛИ СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ
ДЕРИВАЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ВА МАТН ШАКЛЛАНТИРИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil117. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг <http://www.tashgiv.uz> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сафаров Шаҳриёр Сафарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тешабаева Дилфуза Муминовна филология фанлари доктори Иброҳимхўжаев Исмоилхўжа Иброҳимхўжаевич филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинаётган сўз бирикмаси ҳодисаси, айниқса, унинг табиати, лисоний мақоми, ҳатто ушбу терминнинг ўзи ҳақида билдирилган фикрлар турли-туман, баъзан ўта зиддиятли бўлганлиги сабабли ҳозиргача сўз бирикмаси назарияси яхлит ва тугал кўриниш олган эмас. Воқеликда кечаётган ҳодисаларни лисоний номлаш, уларни коммуникатив воқелантиришнинг асосий воситаларидан бири бўлган сўз бирикмаларининг деривацион семантик хусусиятларини уларнинг муайян матн мулоқот муҳити доирасида фаоллашадиган вазибалари, мазмун ифодалаш ва ахборот етказиш борасидаги имкониятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тил ва нутқ сатҳларида кечадиган парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг когнитив ва коммуникатив фаолиятлар уйғунлигида юзага келишини исботлаш ҳамда ушбу ҳамжиҳатлик шароитида ҳосил бўладиган лисоний маҳсулот – сўз бирикмасини алоҳида бир тил, масалан, инглиз тили материали асосида тадқиқ этиш назарий ва амалий жиҳатдан ғоят муҳимдир.

Сўз бирикмасининг структур-семантик, синтактик хусусиятларини аниқлашга доир тадқиқотлар олиб бориш билан бир қаторда, диалектик мураккаблик ва полифункционал хусусиятга эга бўлган ушбу ҳодисанинг табиатини функционал ва когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Тўпланган эмпирик материалнинг айнан шу ёндашувлар асосида таҳлил қилиниши сўз бирикмаси назариясига маълум янгиликлар, ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади. Замонавий тилшуносликда сўз бирикмасининг мақомини белгиловчи таърифни аниқлаштириш, ушбу бирлик деривациясининг концептуал асосини белгилаш ҳамда бир сўз бирикмасининг бошқа лисоний ҳодисалар билан муносабатининг дискурс шароитида матн таркибида воқеланувчи белгиларини тизимлаштириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилининг тизими, мулоқот қоидаларини илмий ва амалий тадқиқ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий тилшунослик учун лисоний ҳодисаларни синтетик ёндашув асосида, уларнинг кўпжиҳатли хусусиятларини тизимли равишда, нутқий мулоқот шароитида бевосита ва билвосита намоён бўлишини таъминловчи асосий омилларини инобатга олган ҳолда тадқиқ қилиш амалиёти кенг ўрин эгалламоқда. Тил бирликларининг бундай кўпқамровли ўрганилиши уларнинг туб моҳиятини батафсил аниқлаш билан бир қаторда, ҳар бир ҳодисанинг алоҳида жиҳатлари, тизимда тутган ўзига хос ўрнини белгилаш имконини беради.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим

тизимининг чет тиллар бўйича таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғарб тилшуносларини (Ҳ.Суит, Е.Круисинга, О.Есперсен, Й.Рис, О.Беҳагел) асосан яхлит маънони ифодалаш учун бирикаётган луғат бирликларининг эркин бирикма ёки идиома ҳосил қилиши масаласи ҳамда ушбу бирикмаларнинг структур тузилиши қизиқтирган бўлса, Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, А.А.Шахматов, В.В.Виноградов каби рус тилшуносларининг эътибори сўз бирикмаси компонентлари ўртасида юзага келадиган синтактик муносабатларни аниқлашга қаратилди. А.И.Смирницкий, В.Н.Ярцева, Б.А.Ильиш, Л.С.Бархударов, А.В.Аракин, Н.И.Филичева, В.В.Бурлакова, Г.П.Ятель, Ч.Ҳоккет, П.Робертс каби германшунослар сўз бирикмасининг гап структураси билан алоқадорлиги, уни предикатив тузилмалардан фарқлаш масалалари билан банд бўлишди. Ниҳоят, О.С.Ахманова ва унинг шогирдлари сўзлар бирикишининг морфосинтактик ва лексик-фразеологик асосларини тадқиқ қилиш, «эркин» ва «боғланган» сўз бирикмаларини чегаралаш билан бир қаторда, ушбу бирикмаларнинг социолингвистик табиатини аниқлаш, уларнинг турли нутқий услубларда фаоллашув ҳолатларини бирмунча батафсил ёритиш ҳаракатида бўлдилар. Н.И.Варламова, М.Р.Кауль, Д.И.Квеселевич, Л.Р.Вайнер, Н.Г.Ковальчук, В.Д.Мусаеваларнинг ишларида инглиз тили тизимига хос сўз бирикмалари структур-синтетик ва семантик турларга ажратилиб тадқиқ қилинди.¹

Ўзбекистон тилшунослигида Ф.Х.Абдуллаев, Ж.Б.Бўронов, У.Қ.Юсупов, А.Р.Сайфуллаев, А.А.Абдуазизов, А.М.Бушуй, Ш.С.Сафаров, М.К.Шарипов, Н.Қ.Турниёзов, Г.Ҳ.Боқиева, Д.У.Ашурова, М.И.Расулова каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида сўз бирикмаси тизимининг ўзига хос хусусиятлари, шу тизимга кирувчи бирликларнинг структур ва маъновий жиҳатлари борасида қимматли ва асосли фикрлар билдирилган.²

¹Варламова Н.И. Словосочетание типа существ.+пр.+существ. в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1971. –23с.; Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. – Ленинград: ЛГУ, 1975. – 128 с.; Кауль М.Р. Система субстантивных свободных словосочетаний в современном английском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1990. -21 с.; Sweet H. New English Grammar. Logical and Historical. – Oxford, 2007. – 510 p.

²Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Ташкент, 1991. -100 с.; Бакиева Г.Х. Семантика: Содержание и выражение//Филология масалалари. – Ташкент, 2003. № 2. – С.5.; Расулова

Кейинги йилларда турли мамлакатларнинг тилшунослари сўз бирикмаларининг таснифий белгиларини аниқлаш, уларни гуруҳларга ажратиш ва тиллараро қиёслаш муаммоларини тадқиқ этишган, жумладан, Е.В.Юрьева инглиз тилидаги отли сўз бирикмаларининг турли услубларда қўлланилишини, И.П.Шишкина отли сўз бирикмаларининг матн структурасидаги вазифаларини ўрганган бўлса, Д.Р.Ханаху рус ва инглиз тилидаги сўз бирикмаларини таққослади. Т.А.Тулина сўз бирикмаларининг функционал вазифалари, Г.Н.Третьякова сўз бирикмаларининг матн шакллантириш аспекти, Л.Н.Осолихина кўп компонентли отли сўз бирикмаларининг гапда тўлдирувчи вазифасини бажариши, Л.Н.Мурзин дериватология соҳасида жиддий изланишлар олиб бордилар.³

Аmmo сўз бирикмаларига хос семантик ва деривацион хусусиятларнинг ўзаро диалектик муносабатда шаклланиши, когнитив асосга эга бўлишини исботлаш ҳамда уларнинг мақоми, тугал мазмуний яхлитликка эга бўлган матн таркибидаги иштироки, прагматик маъно ифодалаш имкониятлари билан белгиланиши ҳал қилиниши муҳим бўлган масалалардандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Қарши давлат университетининг Инглиз тили ва адабиёти кафедрасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлар режасига киритилган ҳамда истиқболли режа асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади сўз бирикмаларини кўпжиҳатли ҳодиса сифатида талқин қилиш асносида уларнинг семантик-функционал, деривацион хусусиятлари ҳосил бўлишининг концептуал асосини аниқлаш ҳамда ушбу хусусиятларнинг шаклланиши, уларнинг матн тузилишидаги иштирокини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўз бирикмасининг категориал белгиларини ажратиш ва унинг мақоми аниқлаштириш;

инглиз тили сўз бирикмасига полифункционал бирлик сифатида турли вазифалар ва ифода хусусиятлари ҳосиллигини исботлаш;

сўз бирикмаси семантик структураси ҳосил бўлишининг когнитив асосини изоҳлаш ва буни фрейм намунасида тасвирлаш;

М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент, 2005. – 268 с.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.; Турниёзов Н. Отли сўз бирикмалари ва уларнинг деривацион хусусиятлари//Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалалари. – Самарқанд, 2011. – Б. 4-10.

³Тулина Т.А. Функциональная типология словосочетаний. – Киев-Одесса: Вища школа, 1976. – 176 с.; Шишкина И.П. Субстантивное словосочетание и структура текста. – В книге: Словосочетание и структура текста. – Ленинград, 1978.; Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. – Пермь: ПГУ, 1984. – 55 с.; Осолихина Л.Н. Многокомпонентные субстантивные словосочетания в функции дополнений в английской биологической литературе. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Саранск, 1994. – 26с.; Третьякова Г.Н. Текстобразовательный аспект распространённых определений//Методика обучения иностранным языкам. – Минск, 1998. – С.118-128; Ханаху Д.Р. Атрибутивные словосочетания в русском и английском языках. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Майкоп, 2007. – 25с.; Юрьева Е.В. Английские субстантивно-субстантивные словосочетания в стилевой дифференциации языка. Дисс. ... док. филол. наук. – Москва, 2009. – 156 с.; – С. 3-12.

сўз бирикмаси деривациясининг семантик ва синтактик кўринишларини ўрганиш ва улар асосида турган концептуал мослашув жараёнини ёритиш;

сўз бирикмасининг матн қисмлари ўртасида мазмуний когерентликни таъминловчи хизматини ўташ ҳолатларини аниқлаш;

инглиз тили материалида сўз бирикмаси валентлик имкониятларининг матн тузилишида акс этишини кузатиш;

сўз бирикмасининг матн коммуникатив-прагматик мазмуни шаклланишидаги ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз тили тизимида мавжуд бўлган ва турли услубдаги матнларда қўлланилган отли сўз бирикмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини сўз бирикмаларининг тил тизимида тутган ўрнини белгиловчи функционал-семантик, деривацион хусусиятларининг концептуал асоси ва матн шаклланишида намоён бўладиган имкониятлари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Ушбу изланиш жараёнида турли манбалардан тўпланган отли сўз бирикмаларини гуруҳлаш мақсадида тавсиф ва таснифлаш, сўз бирикмалари концептуал-коммуникатив структураси шаклланиши жараёнининг когнитив асосини тасвирлаш учун фрейм кўринишидаги моделлаштириш, сўз бирикмаларининг структур ва деривацион жиҳатлари боғлиқлигини ўрганиш мақсадида моделлаштириш методларидан фойдаланилди, шунингдек, сўз бирикмалари функционал хусусиятларини аниқлаш учун контекст таҳлили, сўз бирикмасида матн экспрессивлигини таъминлаш ва прагматик мазмун ифодалаш имконияти мавжудлигини изоҳлаш учун компонент таҳлил усули қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сўз бирикмаларининг категориал белгилари – яхлитлик, маҳсулдорлик, эркинлик, информативлик, коннотативлик тизими ишлаб чиқилган;

сўз бирикмасини тил тизимининг лексик қатламига хос бирлик сифатида ўрганиш ғояси далилланган;

сўз бирикмаси концептуал структураси шаклланишининг когнитив асослари исботлаб берилган;

инглиз тили сўз бирикмаси тизимида оид деривацион моделлар гуруҳларга ажратилиб, уларнинг концептуал негизи далилланган;

сўз бирикмаларининг матн шакллантириш хусусиятлари ўрганилиб, уларнинг матн когерентлиги ва коммуникатив-прагматик мазмун ифодасидаги ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Сўз бирикмасининг лингвистик мақоми унга хос бўлган категориал хусусиятлар мажмуаси асосида белгиланган ва уларнинг амалда қўлланилиш натижалари умумлаштирилган. Диссертация натижаларидан грамматика, лексикология, стилистика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, назарий тилшунослик, матн тилшунослиги ва когнитив тилшунослик соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда фойдаланилган. Сўз бирикмаси семантик структурасининг шаклланиши маълум турдаги фрейм намуналарида ўз

аксини топган ва ушбу намуналар асосида сўз бирикмасининг семантик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-типологик, социологик, психологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётға татбиқ этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти коммуникатив ҳамда когнитив тилшунослик ғояларини инглиз ва бошқа тиллар сўз бирикмалари тизими тадқиқига татбиқ қилиш имкониятида намоён бўлади. Кейинги даврларда коммуникатив-когнитив таҳлил ғоялари кенг миқёсда оммалашаётганлигига қарамасдан, сўз бирикмаларининг матн яратувчанлик қобилияти, улар деривациясининг когнитив асослари деярли ўрганилмаган. Замонавий тилшуносликнинг илғор методлари татбиқ қилиниши натижасида эришилган натижаларнинг истиқболи улардан тилнинг асосий номинатив ва коммуникатив воситаларидан бири бўлган сўз бирикмасини кенг миқёсда, унинг ҳар бир алоҳида тил учун хос бўлган ва универсал жиҳатларини ёритиш имкониятларининг мавжудлигида кўринади. Ушбу иш тилшуносликнинг семасиология, ономасиология, когнитология, нутқий тузилмалар синтаксиси ва прагматикасига оид қатор муаммолар ечимини излаш борасида маълум даражадаги назарий аҳамиятға моликдир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, даставвал, унинг натижаларидан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида грамматика, лексикология, стилистика фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда, назарий тилшунослик, матн тилшунослиги ва когнитив тилшунослик соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилишда, янги кўринишдаги ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар яратиш, битирув малакавий иши ва турли диссертацион тадқиқот ишларини бажаришда манба хизматини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тилида отли сўз бирикмаларининг деривацион-функционал ва матн шакллантириш хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

сўз бирикмаларининг ўрни, категориал белгилари, деривацион-функционал хусусиятлари билан боғлиқ илмий-назарий хулосалардан ОТ-Ф8-085 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» (2007-2012) ҳамда ОТ-Ф8-002 «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ФТАнинг 27.10.2017 йилдаги ФТА-02-11/962-сон маълумотномаси). Натижада сўз бирикмалари деривацияси муаммоларига доир хулосалар чиқариш ва инсон ижтимоий қиёфасини тасвирлашда сўз бирикмаларига оид тўпланган маълумотлардан фойдаланиш, сўз

бирикмаларининг бундай кўпқамровли ўрганилиши уларнинг туб моҳиятини батафсил аниқлаш билан бир қаторда, ҳар бир ҳодисанинг алоҳида жиҳатлари, тизимда тутган ўзига хос ўрнини белгилаш имконини берган;

инглиз тили сўз бирикмалари қўлланилишида ифодаланадиган мазмун иш-ҳаракатнинг содир бўлиш ўрни, маконини кўрсатиш ва маълум фаолият жараёнида иштирок этиш маъноси билан боғлиқ натижаларидан «Лингвистик таҳлил асослари», «Сўз семантикаси», «Матн лингвистикаси», «Когнитив тилшунослик» каби фанларни ўтишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг 23.10.2017й.89-03-2506 сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тили грамматикаси, нутқ амалиёти, стилистика, лексикология фанларини ўзлаштириш самарадорлигини оширишда хизмат қилган;

сўз бирикмаларининг инглиз тилини ўрганишда қўлланилиши бўйича олинган натижалардан Қашқадарё вилоят телевидениеси орқали доимий равишда намойиш этилаётган «Келинг, инглиз тилини ўрганамиз» номли туркум кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси, 21.09.2017 й. № 12-09-725 сон маълумотнома). Натижада сўз бирикмаларига оид тўпланган маълумотлардан инглиз тилини ўрганишда кенгроқ фойдаланиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сўз бирикмаларининг функционал-семантик ва когнитив хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида сўз бирикмасининг мақомига хос бўлган барқарор ва туб хусусиятларнинг, бошқача қилиб

айтганда, категориал белгиларининг батафсил таснифи берилган. Сўз бирикмалари каби мураккаб лисоний бирикмаларнинг мақомини аниқлашда диалектиканинг муҳим йўналишларидан бўлган онтологик субстанция ёндашувига асосланиш лозим. Тизим сифатида қаралаётган объектнинг бу йўсиндаги талқини ушбу объект хусусиятларини изчил, босқичма-босқич тадқиқ этиш имкониятини яратади. Бундай ёндашув объектнинг иккиламчи хусусиятларидан маълум даражада узоклашган ҳолда унинг туб моҳиятини, яъни субстанциясини фарқлашга шароит яратади⁴.

Сўз бирикмаси тизимида лисоний субстанциянинг намоён бўлиш шакллари унинг етакчи қисмининг мундарижасини аниқлаш билан боғлиқдир, зотан, худди шу қисм структуравий мураккабланишда таянч нуқта вазифасини ўтайди. Бош (етақчи) сўз кайси сўз туркуми билан ифодаланганлигига кўра сўз бирикмаларини субстантив (от), адъектив (сифат), адвербал (равиш) сўз бирикмалари каби турларга ажратиш мумкин.

Шаклан таркибли кўринишга эга бўлган сўз бирикмаси мазмунан ҳам таркиблидир. Сўз бирикмасининг субстанционал ёки зотий хусусиятлари унинг қисмлари ўрнини эгаллаётган тил белгиларининг информатив қиймати билан белгиланади, зеро ахборот маълум қилиш қийматига эга бўлиш тил тизимида юзага келадиган барча жараёнлар ва муносабатларнинг асосини ташкил қилади. Худди шу категория тил белгиларининг маълум синтагматик ва парадигматик муносабатларга киришувини таъминлайди. Бундан ташқари, информатив қиймат тушунчаси лисоний фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан бўлган яратувчанлик хусусияти билан боғлиқдир, чунки бир лисоний белги замирида бошқасининг яратилиш жараёни, масалан, сўзлардан сўз бирикмаси тузилишида, янги ахборот қимматига эга бўлган субстанция яратилади⁵.

Сўз бирикмасини тавсифлашда унга хос бўлган семиотик, семантик, структуравий, номинатив, когнитив хусусиятларни эътиборга олиш талаб қилинади. Лекин ушбу хусусиятларни умумлаштирувчи ва сўз бирикмасининг лисоний мақомини шакллантирувчи асосий кўрсаткич унинг яхлитлигидир, чунки ҳар қандай тил бирлиги структуравий ва семантик жиҳатдан яхлит кўриниш олиши зарур, акс ҳолда уни мустақил бирлик сифатида тавсифлаб бўлмайди. Яхлитлик категориал белгисининг мавжудлиги ўз-ўзидан сўз бирикмасининг яна бир хусусиятини юзага чиқаради, яъни уни мустақил қисмларга ажратиш имкони туғилади.

Сўз бирикмасининг алоҳида лисоний категория сифатида эътироф этилишини таъминлайдиган яхлитлик, дискретлик, маҳсулдорлик, эркинлик, номинативлик, информативлик каби белгилари билан биргаликда коннотативлик, концептуаллик ва социолингвистик хусусиятлари асосида уни бошқа лисоний бирликлар билан қиёслаш ва фарқлаш мумкин бўлади.

Тил бирликларининг нутқий қурилмалар тузилишидаги ҳиссаси ҳар хил даражада бўлиши мумкинлигига қарамадан, уларнинг бажарадиган

⁴Неъматов Х. Ўзбек тилшунослигида формал, структурал ва субстанционал йўналишлар хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. 4-сон. – 40 б.

⁵ Петренко В.Ф. Основы психосемантики. – Москва: Изд-во МГУ, 1997. – С.17.

вазифалари ўзаро яқиндир, чунки бу вазифалар ижроси матннинг яхлит коммуникатив мақсади билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, сўз бирикмасининг барча хосса ва хусусиятларини коммуникатив ва функционал имкониятлар фаоллашуви нуқтаи назаридан ўрганишга ундайди. Бундай мажмуавий ёндашув натижасида сўз бирикмаларининг полифункционал хусусиятини аниқлаш мумкин.

Маълумки, сўз бирикмалари тузилмалари алоҳида лексемаларнинг тил тизимида ҳаракатда бўлган валентлик қолиплари доирасида ўзаро алоқага киришиш имкониятларини акс эттиради. Шу сабабли сўз бирикмаларининг валентлик функциясини лисоний қолипларни шакллантирувчи ва сақловчи ҳодиса сифатида қараш маъқулдир. Валентлик имконияти воқеланиши асосида янада мураккаброқ ва янада юқорироқ поғонада турадиган янги номинатив бирлик ҳосил бўлади. Лекин тил бирликларининг бундай қобилиятини фақат сўз бирикмаси шакллантиради, аниқлаштиради ва сақлаб қолади. Сўз бирикмасининг шакл, грамматик ва номинатив маънога эга бўлиши ҳамда мустақил вазифа бажариши бевосита валентликнинг лисоний категория, тил бирликларининг барча грамматик-семантик хусусиятларини муҳассамлаштирувчи сифатида талқин қилишга замин яратади.

Сўз бирикмасининг концептуал тўлақонликка эга бўлиши, яъни маъносининг маълум мантиқий структура-мазмунга мос келиши унинг номинатив функция бажаришидан гувоҳлик беради. Алоҳида сўзларнинг сўз бирикмаси таркибидаги семантик муносабати самарасида у ёки бу предметнинг сифат-белгилари, жараён ва ҳаракатларнинг кечиши, муҳити ҳақида янги тасаввурлар туғилади. Сўз бирикмалари элементлари ўртасидаги семантик муносабатларнинг турлича кўриниш олиши уларнинг синтактик фаоллашувида ўз аксини топади. Масалан: *His daughter's sewing was perfect, he was proud of it and decided to buy a sewing machine for her* (М.Д.) гапида *his daughter's sewing* бирикмасининг бош бўлаги бўлган *sewing* шу гап таркибидаги *a sewing machine* сўз бирикмасида тобе элементдир.

Бундан ташқари, сўз бирикмалари, уларнинг қисмлари муносабатларининг турлича англанилиши ва шарҳланишига нисбатан, турли тушунчаларни ифодалаши ва кўп маъноли бирикмаларга айланиши мумкин. Масалан, *a small town girl* бирикмаси «*кичик шаҳарлик қиз*» ва «*шаҳарнинг кичик қизи*» ёки *a last train ticket* «*охирги поездга чипта*» ва «*поездга охирги чипта*» маъноларини англатади. Шунингдек, *main street-long street; fresh water-troubled water; first aid-gracious aid* каби жуфтликлардаги биринчи қатор бирикмалари таснифловчи бирликлар ролини ўтайдилар ва шу вазифаларига биноан тўлиғича номинатив воситалар гуруҳига кирдилар, кейингилари эса, «ҳодиса ва белгилар бирикувини ифодалайди ҳамда бу белгиларнинг мавжудлигини сўзловчи маълум нутқий мулоқот шароитларида аниқлайди».⁶ Демак, сўз бирикмаларини лексик ва синтактик бирикмалар гуруҳларига ажратиш аънанаси муҳокамасида ҳам уларнинг

⁶Павлов В.М. Полевые структуры в строе языка. – Санкт-Петербург: Изд. у-та экономики и сервиса, 1996. – С. 56.

функционал-семантик хусусиятидаги фарқларни юзага келтирувчи нутқий мулоқот шароитларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Сўз бирикмалари номинатив ва коммуникатив функцияларининг уйғунлиги уларнинг таркибий қисмларининг семантик муносабати янада юқорироқ босқичдаги лисоний ҳодиса – матнни шакллантирувчи тамойиллар ҳаракатида намоён бўлади. Сўз бирикмаси информативлик функциясининг воқеланишини, яъни унинг ташийдиган ахбороти қай даражада тўлиқлигини аниқлаш учун унинг матн воситасида етказилаётган ахборотга кўшадиган ҳиссасини билиш муҳимдир.

Сўз бирикмаси семантик яхлитлик хусусиятига эга бўлган структурадир ва ушбу семантик структуранинг ҳосил бўлиши ҳамда лисоний фаолият жараёнида турли кўринишда намоён бўлиши ҳолатларини ўрганиш сўз бирикмалари назариясининг муҳим қисми ва талабидир. «N+pr+N» (от+предлог+от) моделидаги бирикмаларнинг фаоллашув миқдори ва меъёрини ўрганиш мақсадида XX-XXI аср инглиз адаблари асарларидан (20 000 саҳифа босма матн) 25365та отли сўз бирикмалари ажратиб олинди.

Предлогли СБ турларининг миқдорий кўрсаткичлари

№	Модел	Миқдор кўрсаткичи	Фонз%	Мисоллар
1.	N+of +N	20 000	78.8	a book of a pupil; the gift of the gab
2.	N+in +N	1820	7.2	rich in minerals; trees in the garden
3.	N+for+N	810	3.2	flowers for a girl; holiday for a week
4.	N+with +N	670	2.6	woman with a child; teacher with a bag
5.	N+to +N	545	2.2	path to the village; way to the heart
6.	N+on +N	480	1.8	letter on the desk; map on the table
7.	N+at +N	390	1.5	house at the sea; waiter at the door
8.	N+from +N	270	1.1	writer from England; wind from North
9.	Бошқа предлоглар	380	1.5	a talk near garden; a flag upon the house; road towards the river; strands across the lawns; story about the fox

Ушбу предлоглар ёрдамида шаклланган сўз бирикмаларининг семантик-структур хусусиятлари ўзига хос бўлиб, улар предмет ёки шахс жой олган маконнинг чегарасини, макон ва замон муносабатларини, миқдор кўрсаткичларини ва мақсад ёки вазифа, қобилият, ҳиссиёт, йўналтирилган ҳаракат каби муносабатларни ифодалайдилар. Масалан, N1+of+N2 моделидаги сўз бирикмаларида N1 позициясида турган конкрет отлар мазмунига кўпгина ҳолатларда умумлаштирилган квантитативлик маъноси кўшилади. Ваҳоланки, луғатларда ушбу отларнинг бундай маъноси қайд қилинмаган: *a packet of aspirins; a flash of satisfaction; a blast of hate; a nerve of cruelty*. Албатта, «of» предлоги воситасида тузилган сўз бирикмаларининг семантик хусусиятлари фақат квантитативлик семасининг ифодаси билан тугамайди. N+in+N моделида предлогли гуруҳ отга адъюнкт бўлиб келгани ҳолда сўз бирикмаси етакчи элементни аниқ бир маконда жойлашганлиги нуқтаи назаридан характерлаб келиши мумкин: *the letters in her desk*. Бошқа ҳолатларда *in* предлогини умумий мазмунга путур етказмасдан *of* предлоги билан алмаштириш мумкин: *Some of the entries in my diary* ↔ *Some of the entries of my diary*. Аммо предлогларнинг ўрин алмашуви йўли билан ҳосил бўладиган сўз бирикмалари семантик структурасида ифодаланаётган мазмунда маълум даражадаги фарқлар мавжудлиги ҳам кузатилади. Масалан, **to** ва **for** предлогли сўз бирикмалари семантикасида адресатга бўлган муносабат ифодаланиши кузатилган ҳол бўлса-да, *for* предлогининг

мавжудлигида истак, яхшилик қилиш, мойиллик билдириш маънолари равшанлашади, *to* предлогининг қўлланиши эса бирикмага ижтимоий шартга эга бўлиш характери беради. Шу боис *duty, devotion* каби сўзлар *to* предлогини талаб қилса, *pleasure, joy, consolation, comfort* сўзлари аксарият ҳолатларда *for* предлоги билан қўлланилади. Худди шу каби мазмуний фарқларни предлогларнинг бошқа вариантлашув ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин (қиёсланг: *genius for/in/at/of smth.; a master in/for smth.; struggle with/against smth./smb.*).

«In» ва «of» предлогли сўз бирикмаларининг гап тизимида қўлланилиш миқдори

Етакчи бўлакнинг функцияси	Эга	Предикатив	Тўлдирувчи	Воситали тўлдирувчи	Аниқловчи	Предлогли гуруҳли ҳол	Ажратилган бўлак	Қўлланиш фоизи
Ифодаланган муносабат								
1	28%	4%	15%	11%	-	32%	10%	31%
2	28%	15%	28%	-	-	-	29%	12,5%
3	36%	14%	10%	27%	4%	9%	-	41%
4	21%	-	-	30%	-	9%	40%	15,5%

«On» предлогли сўз бирикмасининг гап таркибида фаоллашуви

Етакчи бўлакнинг функцияси	Эга	Предикатив	Тўлдирувчи	Воситали тўлдирувчи	Аниқловчи	Ҳол	Изоҳловчи	Қўлланиш фоизи %
Ифодаланган муносабат								
1.	38%	-	10%	8%	8%	34%	4%	64%
2.	15%	5%	25%	20%	5%	30%	-	12%
3.	18%	15%	30%	9%	6%	12%	10%	20%

Диссертациянинг «Сўз бирикмалари тизимида кечадиган деривацион жараёнлар» деб номланган иккинчи бобида тилнинг яратувчанлик қобилиятини тасвирлашда дериватологиянинг аҳамияти катта эканлиги хусусида тўхталиб ўтилди ва асосий эътибор сўз бирикмалари структур-семантик тузилишидаги силжишларнинг деривацион жараёнлар, тил тизими динамикаси билан боғлиқ жиҳатларига қаратилди. Деривациянинг кўпкамровли ҳодиса сифатида қаралиши шароитида унинг ўзига хос ички хусусиятларга эга эканлиги маълум бўлади. Деривация жараёнининг андозали характерда бўлиши худди шу хусусиятлардан биридир. Чунки унинг ҳар бир кўриниши маълум мақсадга йўналтирилган, яъни аниқ семантик вазифа бажарилади ва бу мақсадга эришишда чекланган миқдордаги формал воситалардан фойдаланилади. Шунга нисбатан, деривация жараёнини икки йўналишда, яъни семантик ва формал ёндашувларни татбиқ этиш йўли билан ўрганиш мумкинлиги тадқиқотимизда ўз тасдиғини топди.

Сўз бирикмалари тизимида чизикли деривация энг кўп таъсирга эга бўлган йўналишдир. Шу тизимга кирувчи бирликларнинг катта қисми асосан таркибий қисмларининг бир текис бирикуви асосида ясалади ва бу уларнинг структур моделларида ўз аксини топади. Масалан: *apple pie; US air force; the capital of the republic; the wind from West; Mothers' Day; friend's success* бирикмалари билан бир қаторда Adj+N (*red rose*); Ving+N ҳамда Ven+pr+N (*running horse; broken in pieces*) моделидаги бирикмалар ҳам чизикли

деривация жараёнининг махсулидир. Бу моделларнинг фарқи фақат деривация формал операторларининг турли хил эканлигидадир. Юқоридаги бирикмаларда шундай операторлар ролини предлоглар ва 's форманти ўйнамоқда. Энг фаол операторлар қаторига, предлоглардан ташқари, ноль оператори киради, чунки ҳозирги инглиз тилида бирликларнинг синтагматик қатордаги мослашуви кўпроқ аналитик кўринишни олади.

Мураккаб таркибли сўз бирикмаларининг деривацион хусусиятлари таҳлили ушбу бирикмаларни бевосита нутқий фаолият жараёнида кўплаб миқдорда ҳосил қилиш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Ҳатто баъзан сўз бирикмалари тузилиши мураккаблашувининг чегараси йўқдек кўринади: *US air Force aircraft fuel systems equipment mechanics course*. Бу, биринчидан, инглиз тили нутқида номиналлашув жараёни кенг ёйилаётганидан дарак берса, иккинчидан, инглиз тили сўз бирикмалари деривациясида ноль операторининг роли предлогникидан устунлашаётганини кўрсатади.

Концептуал тизим ўз ички тузилишига эга ва унинг ривожини бир қатор доимий ҳаракатларнинг ижроси билан боғлиқ. Шундай динамик ҳаракатлардан бири концептуал деривациядир. Концептуал деривация аслида когнитив фаолиятнинг бир туридир, чунки у инсоннинг лисоний билим бойлигини янги билим структураларини ҳосил қилиш йўли билан оширади. Янги билим структураси–концептнинг пайдо бўлиши эса аввалги концептлар негизида кечади. Бу инсоннинг концептуал тизимида мавжуд бўлган билимлар лисоний белги кўринишини олганларидан сўнг тил тизимида янги маъноларни англатувчи бошқа (иккиламчи) номинатив бирликларни яратиш эҳтиёжи ва имконияти туғилишидан дарак беради. Концептуал деривация жараёнининг тадқиқи маълум белгилар воситасида тил тизимида акс эттириладиган билим структураларини шакллантирувчи когнитив омилларни тавсифлашни назарда тутди. Сўз бирикмалари деривациясини концептуал фаолият нуқтаи назаридан тавсифлаш учун янги билим структуралари ҳосил бўлишини таъминловчи мантиқий-лисоний амаллар механизмини таҳлил қилиш билан бир қаторда, ушбу амаллар ҳаракатининг ривожига туртки бўладиган омилларни аниқлаш лозим бўлади.

Сўз яшаш тизимининг когнитив асослари билан махсус шуғулланган тадқиқотчилар бундай механизмлар қаторига «перспективлаштириш ёки истиқболлаштириш», «бириктириш», «қуриб битказиш», «ривожлантириш» амалларини киритадилар.⁷ «Перспективлаштириш» (истикболлаштириш) амалининг фаоллашуви деривация жараёни учун бошланғич нуқта ролини ўтаётган концептнинг маълум бир хусусиятини етакчи ўринга чиқарилишини назарда тутди. «Бириктириш» амали ижро қилинганда эса ҳосил бўлаётган концептларни сўз бирикмаларининг бошланғич бўлаги воситасида ифодаланган концепт билан мослаштириш йўллари қидирилади. Шунингдек, «қайта қуриш» когнитив амалининг бажарилиши янги мураккаб структурали


⁷Плотникова Л.И. Новое слово: порождение, функционирование, виртуализация. – Белгород: Изд-во БГУ, 2000. – С. 47; Fauconnier G., Turner M. The way we think: conceptual blending and the mind's hidden complexities. – New York: Basic Books, 2002.

концептнинг шаклланиши учун зарур бўлган, аммо ҳозирча етишмайдиган хусусиятларни аниқлаш мақсадини кўзлайди. Ниҳоят, «ривожлантириш» когнитив механизмининг ҳаракатга келиши билан туб концепт айрим керакли хусусиятларининг янги концепт структурасига кўчирилиши ва мазмунан ривожлантирилиши таъминланади. Аммо сўз бирикмалари деривацияси жараёнида доимий хусусиятлар билан бир қаторда ўзгарувчан хусусиятлар ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин ва янги концепт яратилаётганида идрок этилаётган объектнинг турғун, янги хусусиятларини ажратиш муҳим.

N_1+N_2 андозасида ҳосил қилинган сўз бирикмалари инглиз тилининг турли услубларида кенг миқёсда қўлланилса-да, уларнинг деривацион хусусиятлари қарийб ўрганилмаган. Айрим тадқиқотчилар $N+N$ таркибидаги сўз бирикмаларини $Adj+N$ таркибидагилардан фарқлашнинг ягона йўли уларни предикатив тузилмаларга трансформация қилиш мумкинлиги (ёки мумкин эмаслик) ҳолатига мурожаат этиш, деб биладилар: «*an efficient generator*» → *a generator which is efficient;* «*an electrical problem*» → *a problem that is electrical*. Лекин *an electrical engineer* бирикмасини **an engineer who is electrical* тарзида ўзгартириб бўлмайди. Шунингдек, юқоридаги моделга эга бўлган бирикмаларнинг фарқини уларнинг семантик структурасини қиёслаш йўли билан аниқлаш ҳам муайян қийинчиликларни туғдиради, чунки N_1+N_2 моделларининг синонимияси доимий кузатиладиган ҳодиса эмас.

Сўз бирикмаларининг тавсифида юзага келадиган бундай ноуфунгликларнинг асосий сабабларидан бири уларнинг структуравий ва мазмунан шакл топишида муҳим роль ўйнайдиган механизмларнинг концептуал асослари етарлича ўрганилмаганлигида. Сўз бирикмалари деривациясини аниқлашнинг дастлабки босқичида бу турдаги бирикмаларни, дастлаб, икки гуруҳга тақсимладик. Бу тақсимотда сўз бирикмалари маъноси уларнинг таркибий қисмлари маъноси билан боғлиқлик даражаси инobatга олинди. Масалан, *winter sports* бирикмасининг семантикаси деривация жараёнида иштирок этаётган *winter* ҳамда *sports* сўзларининг маъноси билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Аммо *work party* туридаги бирикмалар семантикаси бу кўринишдаги маънолар йиғиндисидан иборат эмас. Семантикаси структуравий далилга эга бўлмаган гуруҳдаги сўз бирикмаларининг концептуал деривацияси ўзига хос кўриниш олиб, «истикболлаштириш», «бириктириш» ва «қуриб битказиш» амалларини талаб қилади. Деривация жараёнининг бу йўсинда кечиши шароитида етакчи ўринда турган от воситасида ифодаланаётган концептнинг хусусиятлари айрим ўзгаришларга учрайди. Когнитив метафора ва метонимия амалларининг кучи ахборот технологиялари соҳасига оид мураккаб таркибли терминлар майдонини шакллантирувчи концептуал фаолият жараёнида яққол намоён бўлади. Жумладан, *data fast* СБ «ахборот технологиялари» ва «соғлом турмуш тарзи» концептуал ҳудудларининг кесишиши натижасида ҳосил бўлган. Бу бирикмадаги *fast* сўзининг маъноси «рўза, яъни маълум муддатга овқатланишдан онгли равишда ўзини тийиб туриш» эканлигини инobatга олиб, сўз бирикмасининг мазмунида «мақсадли равишда электрон ускуналарни, энг аввало, компьютерни ўчириб, бошқа ишларни бажаришга

киришиш» маъноси концептуаллашади, деган хулосага келамиз. Рўза тутиш организмни тозалаш учун фақатгина овқатланишдан ўзини тутиш эмас, балки руҳан тозаланиш мақсадида ҳам бажариладиган русум эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу сўз бирикмасининг ҳосил қилувчи концептуал деривация жараёни қуйидаги йўналишда кечишини тасаввур қилиш лозим:



Турли концептуал ҳудудларнинг кесишиши ва ўзаро чатишиб кетиши борасида келтирилаётган мисоллар денотатив майдонлар ҳаракатчанлиги, динамикасидан дарак беради.

«Сўз бирикмаларининг матн шакллантириш имкониятлари» деб номланган учинчи бобда сўз бирикмасининг матн таркибида бошқа тил бирликлари билан муносабатга киришувидан ҳосил бўладиган коммуникатив-прагматик хусусиятлари аниқланди.

Тил тизими бирлиги бўлган сўз бирикмасининг моҳияти унинг мулоқот матнида фаоллашуви билан боғлиқ. Нутқий фаолият шароитида сўз бирикмаси қисмларининг алоҳида денотатлар билан боғлиқлиги намоён бўлади ва шу йўсинда қисмлар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларнинг янги мураккаб (лекин яхлит) маъно яратилишидаги ўрни равшанлашади. Структур-семантик тузилишнинг коммуникатив вазифа билан мослашуви натижасида сўз бирикмаси дискурсив ходиса мақомини ҳам олади.

Матн шаклланишида сўз бирикмаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу борада, айниқса, сўз бирикмалари семантикаси ва матн мазмуний категориялари ўртасидаги муносабат алоҳида эътиборга лойиқдир. Сезиларли даражада доимий бўлган ушбу муносабатни ҳеч қандай қийинчиликсиз матн референтлиги ва номинатив бирикмалар ўртасидаги алоқада кўришимиз мумкин. Худди шундай мазмуний боғлиқликларни экспрессив сўз бирикмаларининг матн модаллиги ифодасидаги иштирокида ҳам сезамиз. Бундан ташқари, баъзи турдаги сўз бирикмаларининг матн мундарижасига кирувчи бошқа категориал белгилар билан ҳам алоқада эканлиги яққол кўринади. Жумладан, мавҳум маъноли сўз бирикмаларининг матнда қўлланиши натижасида ахборот узатилишида рационалликка эришилади: *Wind opens winter's gate*

I hear it raging in pines, and sea

The poplar bent, that vest, that female tree.

I hear it, knowing in the dawn of day,

The turmoil comes along Atlantic way (John Betjeman).

Ушбу матнда *female tree, the dawn of day, Atlantic way* каби сўз бирикмаларининг қўлланиши фикрни оқилона, рационал кўринишда ифодалаш учун хизмат қилмоқда. Зеро, К.Кожевникова эслатганидек, матн категориал белгиларидан бири бўлган тугаллик «автоном коммуникатив кучга эга бўлиб, матн мазмунини шакллантирувчи фаол омилга айланиши

ҳамда шу йўсинда ўқувчини ушбу мазмунни тўлиқ кўринишда идрок этишга ундаши мумкин».⁸

